

**“Visa Rewards” кешбек дастурида иштирок этиш бўйича
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Тошкент ш.

04 июль 2025 йил

Мазкур Оммавий оферта «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки (бундан кейин “Банк”) томонидан жойлаштирилган ва “Visa Rewards” кешбек дастурида иштирок этишнинг барча муҳим шартларини ўз ичига олади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Банк (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензияси рақами 69, 25.12.2021 йилдан) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи Бошқарув Раиси К. Л. Маевский, Банк томонидан чиқарилган “Visa” банк карталарига эга бўлган жисмоний шахсларга “Visa Rewards” кешбек дастурида (бундан кейин – “Дастур”) иштирок этиш бўйича Шартнома имзолашни таклиф қиласди.

1.1.1. Мазкур офертанинг Мижоз томонидан ушбу Офертанинг 2.2 бандида назарда тутилган тартибда акцептланиши, Банк билан Мижоз ўртасида мазкур Офертада келтирилган шартларда “Visa Rewards” кешбек дастурида иштирок этиш бўйича Шартнома (бундан кейин – “Шартнома”) тузилганлигини билдиради.

1.2. Дастур Банк томонидан ташкиллаштирилган ҳамда Delaware штати, USA (АҚШ) қонунчилиги асосида рўйхатдан ўтган, Бош офиси 900 Metro Centre Boulevard, Foster City, CA 94404, United States of Amerika (Америка қўшма штатлари) манзилида жойлашган Visa International Service Association ташкилоти (бундан кейин – “Visa”) ва бош офиси 10 Hills Place, London W1F 7SD манзилида жойлашган Rewards Loyalty UK Limited ташкилоти (бундан кейин – “Компания”) иштирокида амалга оширилади.

1.3. Visa ўз ҳамкори – Компания орқали Банкка “Картага боғлаш орқали таклифлар” сервисини тақдим этади, ва бу сервис доирасида Компания:

- Банкнинг мижозларига акция таклифлари тақдим этиш бўйича савдо-сервис корхоналари (бундан кейин – “Мерчант”) билан келишувлар тузади;
- Дастурни ахборот-техник қўллаб-куватлаш учун воситалар тақдим этади;
- Банк мижозлари томонидан олинган кешбекни тўплайди (аккумуляция қиласди) ва Банкка кейинги тақсимот учун ўтказиб беради.

1.4. Дастурни молиялаштириш Мерчант маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Компания Дастур шартлари реализация қилиниши (бажарилиши) ва Мижозларга кешбек тўлаб берилиши бўйича агент сифатида иштирок этади.

1.4.1. Банк Дастурни молиялаштириш бўйича жавобгарликка эга эмас ва фақатгина Мижозларга кешбекни Компаниянидан тегишли пул маблағлари келиб тушганидан сўнг ўтказиб берилиши бўйича воситачи сифатида иштирок этади.

1.4.2. Компаниянинг мазкур Офертадан ва Дастур шартларидан келиб чиқадиган ҳаракатлари ва мажбуриятлари, шу жумладан, лекин бу билан чекланмаган ҳолда: кешбек тўлаб берилиши учун маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиб берилиши, кешбек миқдори (суммаси)нинг тўғри ҳисобланиши, Компания техник тизимларининг ишга созлиги учун Банк жавобгарликка эга эмас ва мажбуриятларни ўзига олмайди.

1.5. Мазкур Шартнома доирасида Кешбек деганда, Дастур доирасидаги операция суммасининг бир қисмини қайтариш орқали Мижозга ҳисоблаб бериладиган пул мукофоти назарда тутилиши лозим. Кешбекни ҳисоблаш ва тўлаб бериш Дастур шартларига риоя этилганда ва Банк томонидан Компаниядан тўловлар олинганида амалга оширилади, ушбу тўлов миқдори (ҳажми) Компания томонидан ўрнатилади ҳамда Компания ва/ёки Банк томонидан бир тарафлама ўзгартирилиши мумкин.

1.6. Компания ва/ёки Банкнинг эркин қарорига биноан, Дастур жамоатни (оммани) хабардор қилиш мақсадларида, шу жумладан реклама ва/ёки ахборот тусидаги материаллар воситасида реклама қилиниши мумкин.

1.7. Дастурда иштик этиш бепул бўлиб, Мижоздан Картага хизмат кўрсатиш учун Банкнинг стандарт тарифларидан бошқа кўшимча комимсиялар ундиришни назарда тутмайди.

II. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 369-моддаларига мувофиқ оммавий оферта ҳисобланади.

2.2. Қарз олувчи томонидан Банк МБХда қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини амалга оширилиши мазкур оммавий офертанининг акцепти (қабул қилиниши) ҳисобланади:

- Дастур баннери орқали дастур шартлари билан танишиш экранига ўтиш;
- Оферта матни билан танишиш;
- МБХ интерфейсида тегишли тутмачани босиш орқали Оферта шартлари қабул қилингандигини тасдиқлаш.

2.2.1. Акцияда эштирок этган ҳолда, иштирокчи (Мижоз) мазкур шартлар билан тўлиқ танишиб чиқсанлигини ва уларни сўзсиз, ҳеч қандай изоҳотларсиз қабул қиласанлигини тасдиқлайди.

2.2.2. Офертани акцептлаб, Иштирокчи ўз ҳохиши билан, ҳеч кимнинг мажбуурлашисиз, чалғитиш таъсирисиз, алдовлар, зўравонлик ёки таҳдидсиз ҳаракат қилаётганлигини тасдиқлайди.

2.3. Акцептнинг амалга оширилиши Мижознинг Шартнома шартларини ҳеч қандай чекловлар ёки истисноларсиз тўлиқ ва сўзсиз қабул қиласанлигини билдиради.

2.4. Мазкур Оферта Дастурнинг бутун амал қилиш муддати давомида ҳар бир Мижоз учун Банкнинг www.kapitalbank.uz веб-сайтида (фойдаланиш учун) мавжуд (тақдим этилади).

III. ДАСТУР ШАРТЛАРИ

3.1. Мазку Оферта Иштирокчиларга “Visa” тўлов тизимининг Банк томонидан эмиссия қилингандаридан (бундан кейин – “Карта”) фойдаланган ҳолда мазкур Қоидаларга риоя этган ҳолда хорижда амалга оширилган харидлари учун кешбек олиш имконини беради. Бунда, кешбек олиниши учун қуйидаги шартларга риоя этилиши лозим: харид Компания тизимида ишлов берилган/рўйхатга олинган бўлиши, харид бўйича у амалга оширилганидан сўнг 35 кун ичида қайтариш амалга оширилмаган бўлиши, шунингдек Банк билан Компания ўртасида ҳар ойлик ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш пайтига хариднинг амалга оширилганлиги даврийлиги (муддати) 35 кундан ортиқ муддатни ташкил этган бўлиши.

3.2. Дастур факатгина Картага эга бўлган Мижозлар учун, акция таклифлари бўйича операцияларни амалга ошириш учун ташкил этилган ва амал қиласан, бу акция таклифлари билан Мижоз Банк МБХда танишиб чиқиши мумкин.

3.3. Дастур қуйидаги ҳаражатлар учун тадбиқ этилади:

- а) Офертага мувофиқ хорижда савдо-сервис корхоналарида амалга оширилган;
- б) барча валюталарда амалга оширилган.

3.4. МБХ да тақдим этилган акция таклифларига мувофиқ кешбекни ҳисоблаш шартлари ва лимитлари:

- а) кешбек ҳисоб-китоблари USD валютасида амалга оширилади;
- б) кешбекнинг тўлаб берилиши Карта ҳисобварафи валютасида, тўлов кунига бўлган Visa ва Банкнинг айирбошлаш курсларини қўллаган ҳолда амалга оширилади;

в) кешбекнинг умумий суммаси (миқдори) валюталар конвертацияси қоидаларига мувофиқ Карта бўйича қўчирмада акс эттирилади;

г) валюталар конвертацияси ва кешбек суммаси ҳисоб-китоби тартиби бўйича батафсил маълумот олиш учун Мижоз мавжуд алоқа каналлари орқали Банкка мурожаат қилиши мумкин.

3.5. Мижоз Дастур доирасида тўловни амалга ошираётган ҳеч қайси Мерчант унинг лозим даражада амалга оширилиши учун жавобгарликка эга эмас.

3.6. Дастур доирасида амалга оширилган пул маблағларининг бекор қилиниши ёки қайтариб берилиши кешбек олиниши мақомига таъсир ўтказади.

3.7. Агар Дастур шартлари бюажарилса, кешбек қўйидаги тартибда ҳисобга тушириб берилади:

а) Мижоз Картадан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тегишли савдо-сервис корхонасида тўловни харидни) амалга оширади;

б) ҳар кунлик тартибда Банк Компанияга операциялар тўғрисида маълумотларни берив боради;

в) Компания тизими Дастур шартларига мос келувчи операцияларни идентифициация қиласди, ва ўрнатилган шартлар ва фоиз ставкаларига асосан кешбек суммасини (миқдорини) ҳисоблайди;

г) ҳар кунлик асосда Компания банкка ҳисобланган кешбек суммалари тўғрисида маъмлут юборади;

д) ҳар ойлик асосда Банк Компанияга барпча шартларга мувофиқ бўлган операциялар бўйича кешбекни ўтказиб беради;

е) Пул маблағларини Мижознинг тегишли банк (карта) ҳисобварагига ўтказиб берилишини Мижоз МБХ орқали ташабbus қиласди, Банк бу операцияни амалга оширади.

Картага Кешбекнинг ҳақиқатда ҳисобга олиниши транзакцияларга ишлов беришнинг техник тафсилотларига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

3.8. Ҳисобланган кешбек тўғрисида маълумот Мижозга Банкнинг мобил иловасида, шунингдек Карта бўйича қўчирмада ва Банкнинг бошқа масофавий хизмат кўрсатиш канлларида мавжуд бўлади.

3.9. Мижоз Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги талабларига мувофиқ кешбек олиш билан боғлиқ солиқ мажбуриятларининг бажарилиши учун мустақил равища жавобгарликка эга. Компания ва Банк тўлаб бериладиган кешбек бўйича солиқ агентлари сифатида иштирок этмайди ва Мижозга солиққа тортиш масалалари бўйича маслаҳатлар (консультация) тақдим этмайди.

3.10. Кешбекнинг автоматик тарзда ҳисобдан чиқарилиши ҳар ойнинг сўнгги куни қўйидаги устиворлик тартибida амалга оширилади:

- Мижознинг актив картасига;
- Мижознинг талаб қилиб олингунча ҳисобварагига;
- Мижознинг талаб қилиб олингунча бўлмаган ҳисобварагига.

3.11. Кешбекнинг ҳисобланиши қўйидаги операциялар бўйича амалга оширилмайди (ҳисобга олинмайди):

- Агар операциялар бўйича товар/хизматлар қайтарилган бўлса;
- Фирибгарлик ёки сунистеъмол аломатлари мавжуд бўлса;
- Дастур шартлари бузилган ҳолда амалга оширилган операциялар;
- Техник операциялар ва тузатиш операциялари (корректировка).

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Дастур доирасида, Компания қўйидаги мажбуриятларни олади:

- а) Дастур молиялаштирилишини таъминлаш;
- б) Дастур шартлари ўзгариши тўғрисида Банк ўз вақтида хабардор қилиш;
- в) Дастурни техник қўллаб-қувватлаш.

4.2. Даструр доирасида, Банк қуидаги мажбуриятларни ўзига олади:

а) Даструр шартларини амалга ошириш (реализация қилиш);

б) Мижозларга кешбек бўйича олинган тўловларни амалга ошириш;

в) Мижозларни Шартларнинг ўзгарганлиги тўғрисида Банкнинг расмий сайтида (www.kapitalbank.uz) хабардор қилиш.

4.3. Банк қуидаги ҳукуқларга эга:

а) Даструр шартларини бир тарафлама тартибда ўзгаартириш;

б) Мижоз томонидан суиистеъмол қилиши ҳолатлари аниқланганда, кешбекни ҳисоблашни рад этиш;

в) исталган пайтда Даструрни тўхтатиб туриш ёки амал қилишини тўхтатиш (бекор қилиш);

г) Мижознинг Даструр доирасидаги операциялари мониторингини амалга ошириш, ва Даструр шартлари ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бузилиши, фирибгарлик, ноқонуний ҳаракатлар ёки уларни амалга оширишга уриниш, шунингдек Компания, Банк ёки Даструр нуфузи (обрўси)га путур етказадиган ҳаракатлар аниқланган ҳолатларда, дастлабки огоҳлантиришсиз (хабардор қилмасдан) Мижознинг Даструрдаги иштирокини тўхтатиб туриш, ҳисобланган, лекин тўланмаган кешбекни бекор қилиш (аннуляция), Мижозни Даструрдан четлаштириш ва Даструрдаги кейинги иштирокини таъқиқлаш ҳукуқига эга, бунда Мижознинг ҳисобварағига ўтказиб бўлинган кешбек қайтарилмайди, Компания ва Банк эса Мижозга юкорида келтирилган чоралар қўлланилиши бўйича қандайдир компенсация тўлаб бериш мажбуриятига эга эмас.

д) мазкур Оферта билан назарда тутилган бошқа ҳукуқлар.

4.3.1. Банк Мижозни олдиндан хабардор қилмасдан қуидаги ҳаракатларни амалга ошириш ҳукуқига эга:

- Даструр шартларини суиистеъмол қилиш аломатларига эга операциялар бўйича кешбек ҳисоблашни рад этиш;

- Хато ҳисобланган кешбекни аннуляция қилиш (бекор қилиш);

- Шубҳали (гумонли) операциялар аниқланган ҳолларда Мижознинг Даструрдаги иштирокини тўхтатиб туриш;

- жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштириш бўйича қонунчилик ижросини таъминлаш мақсадларида;

- Шартнома шартлари бузилганида ёки Даструрни суиистеъмол қилинганида Мижознинг Даструрдаги иштирокини тўхтатиш.

4.3.2. Банк қуидагилар бўйича жавобгарликка эга эмас:

- Тўлов тизимидағи савдо шаҳобчаларининг тўғри тоифаланиши;

- Компания тизими ишлашидаги техник носозликлар/узилишлар;

- Операцияларга ишлов бериш ва кешбек ҳисоблаб беришдаги узилишлар;

- Мижознинг Даструрдаги иштирокига оид ҳар қандай заарлари.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка эга.

5.2. Компания ва Банк қуидагилар учун жавобгарликка эга эмас:

- Мижоз томонидан Даструр ва Шартнома шартлари бузилиши оқибатида юзага келган заарлари;

- Компания ва Банкка боғлиқ бўлмаган техник носозликлар;

- Савдо-сервис компаниялари реклама матариаллари таркиби (мазмуни) ва уларнинг ҳаракатлари;

- Савдо шаҳобчалининг тизимдаги тоифаси тўғрисидаги нотўғри маълумот.

5.2.1. Ушбу келтирилган рўйхат унда келтирилганлар билангина чекланмаган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган доирада қўлланилади.

5.3. Бунда Компания Банкнинг Даструрни амалга ошириш доирасида ҳаракати/ҳаракатсизлиги бўйича жавобгарликка эга эмас, худди шунингдек Банк Компаниянинг Даструрни амалга ошириш доирасида ҳаракати/ҳаракатсизлиги бўйича жавобгарликка эга эмас.

5.4. Мижоз ва савдо-сервис корхоналари билан ўзаро муносабатлари, шу жумладан товар ва хизматлар сифати, уларни тақдим этиш шартлари, товарни қайтариш ёки алмаштириш, фақатгина ушбу корхоналарнинг қоидалари ва амалдаги қонунчлик билан тартибга солинади. Компания ва Банк Мижоз ва савдо-сервис корхоналари ўртасида Даструр доирасида харидлар амалга оширилишида юзага келадиган ҳеч қандай низолар ва келишмовчиликлар бўйича жавобгарликка эга эмас.

5.5. Даструр доирасида ёки унга боғоиқ равишда келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар тарафидан ўзаро музокараларни олиб олиш орқали ҳал қилинади. Музокаралар орқали келишувга келишнинг имкони бўлмаганда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда Банкнинг жойлашган худуди бўйича фуқаролик судига кўриб чиқиши учун йўналтирилади.

VI. ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

6.1. Мижоз Компания ва Банкка шахсга доир маълумотларида Даструр мақсадларида ишлов берилишига ўз розилигини тақдим этади.

6.2. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш қуйидагиларни ўз ичига олади: шахсга доир маълумотларни йиғиши, ёзуб олиш, тизимлаштириш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, тўлдириш, ўзгартириш), ажратиб олиш (чиқариб олиш), улардан фойдаланиши, уларни узатиш (тақдим этиш, фойдаланишга имкон бериш, тарқатиш), эгасизлантириш, фойдаланишни таъқиқлаш (блоклаш), ўчириш ва йўқ қилиш.

6.3. Шасхга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари қуйидагилар:

- Мижозни Даструр доирасида идентификациялаш;
- Кешбекни ҳисоб-китоб қилиш ва ҳисоблаш (ҳисобга тушириш);
- Операциялар ва ҳисобга олишлар ҳолати тўғрисида хабардор қилиш;
- Даструр бўйича ахборот тусидаги хабарларни юбориш (йўналтириш);
- Статистик ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиши.

6.4. Мижоз Банк ва Компания Даструрни амалга ошириш учун жалб қилинадиган учинчи шахсларга ўзининг шахсга доир маълумотларини, ушбу шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва хафсизлигини таъминлаш шарти билан узатишга ҳақли эканлигига ўз розилигини билдиради.

6.5. Даструрда рўйхатдан ўтган ҳолда, Мижоз текширилиши мумкин бўлган боғланган карталар бўйича тегишли таклифларни олиш имкониятига эга бўлиши учун, Банк ва Компанияга карта билан боғлиқ транзакциялар ва бошқа транзакциялар таҳлил қилиш ваколатини беради.

6.6. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш бўйича розилик Мижознинг Даструрдаги иштирокининг бутун даври мобайнида ва Даструр тугаганидан сўнг 5 йил давомида амал қиласи.

6.7. Мижоз Банкка тегишли ёзма хабарнома юбориш орқали шахсга доир маълумотларга ишлов бериш бўйича розилилигини чақириб олишга ҳақли. Бундай ҳолатда Мижознинг Даструрдаги иштироки тўхтатилади.

6.8. Компания ва Банк шахсга доир маълумотларга ишлов беришда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ уларнинг махфийлигига риоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга мажбур.

VII. ДАСТУРНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ

7.1. Компания, Банк орқали, Дастурнинг ҳар қандай шартларини бир тарафлама тартибда ўзгаришишга ҳақли, шу жумладан, лекин бу билан чекланмаган ҳолда: кешбек микдори (ҳажми) ва уни ҳисоблаш тартиби, Дастурда иштирок этадиган операциялар рўйхати, худудий чекловлар, мукофотларни тўлаб бериш муддатлари ва усуллари, Дастурнинг бошқа муҳим шартлари. Барча ўзгаришлар, улар Банкнинг www.kapitalbank.uz расмий сайтида чоп этилган пайтдан бошлаб кучга киради. Ўзгаришлаар киритилганидан сўнг Картанинг Дастур доирасида ишлатилишининг давом этиши Мижознинг янги шартлар билан рози эканлигини билдиради.

7.2. Мижоз томонидан Дастур шартларига ўзгаришишлар киритилганидан сўнг Карта бўйича операциялар амалга оширилиши, этиши Мижознинг янги шартлар билан рози эканлигини билдиради.

7.3. Компания ва Банк Дастур бўйича аниқ ва амалдаги (актуал) маълумотларни Банк сайтида бўлишини таъминлашга ҳаракат қиласилар, аммо техник хатоликлар ёки босма хатоликлар (опечатка) бўлиши эҳтимолини инкор этмайдилар. Ноаниқликлар юзага келганда, Компания ва Банк дастлаб хабардор қилиш шартисиз Дастурнинг ахборот материалларига зарур тузатишларни киритишга ҳақли.

7.4. Карта Банк томонидан ёки ваколатли органлар қарори билан блокировка қилинганда (ҳисобварақларга таъқиқ солинганда ёки ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатиб турилганда), кешбекнинг ҳисоблананиши Карта ҳаракати тиклангуна қадар тўхтатиб турилади ёки Карта тўлиқ ёпилганида тўхтатилади. Бунда:

- Блокировка пайтигача ҳисобланган ва Мижознинг ҳисобварағига кириб қилиб бўлинган кешбек суммаси қайтарилмайди;
- Ҳисобланган, лекин блокировка пайтигача тўлаб берилмаган кешбек бекор қилинади;
- Блокировка гача амалга оширилган, лекин ундан кейин ишлов берилган операциялар Дастурда иштирок этмайди;
- Карта блокировкаси бекор қилинганидан сўнг кешбек ҳисоблананиши фақатгина Дастур ҳаракати сақланаётганлиги ва Дастур бюджети мавжудлиши шарти билангина давом этиши мумкин.

7.5. Банк Дастур шартлари ўзгариши ёки амал қилишининг тўхтатилиши натижасида юзага келган ўтказиб юборилган (бой берилган) манфаат ёки бошқа заарлар бўйича жавобгарликка эга эмас ва уларни қоплаб бермайди.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур Офертанинг бирор бир қоидаси (шарти) ҳақиқий эмас ёки мажбурий мжро қилиниши шарт эмас деб топилганида, бундай қоида бекор қилинган бўлиб ҳисобланади, бунда Шартноманинг бошқа қоидалари (шартлари) ўз юридик кучини сақлаб қолади ва тўлиқ ҳажмда амал қилишда давом этади.

8.2. Мазкур Офера Томонлар ўртасида Дастур предметига доир бўлган барча ёзма оғзаки келишувларни тўлиқ алмаштиради. Дастур бўйича аввал жойлаштирилган ахборот ва мазкур Офера шартлари ўртасида тавоғутлар юзага келганда, Офера қоидалари қўлланилади, агар Офертада бошқача тартиб тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлса.

8.3. Компания ва Банк томонидан мазкур Офера бўйича исталган ҳукуқ ёки ҳукукий ҳимоя воситаларининг қўлланилмаслиги ёки қўлланилишининг кечикирилиши, бундай ҳукуқ ёки ҳукукий ҳимоя воситаларидан воз кечилишини англатмайди.

8.4. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади ва талқин қилинади.

8.5. Дастурда иштирок этиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан Мижоз қуйидаги воситалар орқали Банкка мурожаат қилиши мумкин:

- Банкнинг мобил иловаси орқали;
- customer_support@kapitalbank.uz электрон почтаси орқали;

- телефон орқали: +998 71 200 15 15 ёки 1340;
- қуидаги манзил бўйича ёзма мурожаат юбориш орқали: 100047, Тошкент, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ қўчаси, 7.

8.6. Мурожаатларни қўриб чиқиши муддати, улар олинганидан сўнг 15 календар кунини ташкил қиласди. Кўшимча маълумотлар ёки хужжатлар олиш зарурияти мавжуд бўлган ҳолларда, қўриб чиқиши муддати улар олинганидан сўнг 15 календар кунига узайтирилади, бу ҳақда Мижоз қўшимча равишда хабардор қилинади.

8.7. Банк мазкур Офертини Компания томонидан тақдим этилган ваколатлар асосида жойлаштиради.

IX. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Капиталбанк” АТБ

Манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ қўчаси, 7.

Банк алоқа маълумотлари:

E-mail: customer_support@kapitalbank.uz

Тел.: +998 78 200-15-15

Қисқа рақам: 1340

Бошқарув Раиси: _____ К. Л. Маевский